# ХАБАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 12 сентябрь № 37 (265) • Сотувда нархи эркин


## МУҲИМ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

***Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида акционерлик компаниялари, бирлашмалар ва алоқа корхоналари раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда соҳа фаолиятининг муҳим масалалари муҳокама қилинди.***

Агентликнинг Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев раҳбарлар диққатини бир қатор муҳим масалалар ечимида йўл қўйилаётган сусткашликларга қаратди. Чунончи, ташкил этилган «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» ва «Ўзбекистон почтаси» акционерлик компаниялари ўз ишларини ҳали авж олдирмаяптилар, ўзаро муносабат ва ворисийлик масалаларининг, жумладан, хорижий фирмалар билан тузилган шартномаларга мувофиқ тўловлар бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг ечимини тополмаяптилар. Натижада тўловларни ўтказиш тўла равишда бажарилмаяпти. Катта миқдордаги дебиторлик қарзларига йўл қўйиляпти. Уларни бартараф этиш чоралари эса етарли равишда кўрилмаяпти. Айрим раҳбарлар мажбурий тўловлар бўйича қарзлари ва дебиторлик қарзларнинг ундирилмаган миқдорлари бўла туриб, ишлаб чиқариш манфаатларига хизмат қилмайдиган, ўзини оқламайдиган катта сарф-харажатларга йўл қўймоқдалар. Агентлик ва компаниялар бундай раҳбарларга мансабдан четлатишга қадар энг қатъий чораларни кўриши лозим.

Компаниялар, бирлашмалар, акционерлик жамиятлари, корхоналарда, деб таъкидлади Абдувоҳид Ҳошимович, маркетинг хизматининг иши ҳали-ҳануз ташкил этилмаган, натижада кўпгина корхоналар ишида жонланиш сезилмайди, бозор иқтисодиётининг янгиликлари кўзга ташланмайди. Эскича ишлаш ҳамон давом этяпти. Бу айниқса, «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси корхоналарига хос. Почта алоқасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилаётган Дастурда аниқ чоралар ўз ифодасини топмоғи лозим, токи белгиланган тадбирлар амалда бажарилсин ва мижозлар почта ишининг яхшиланганини яққол ҳис қилсинлар. Акционерлик компаниялари ва жамиятларига мазкур жамиятлар, компаниялар фаолияти хусусидаги қонунчилик асослари, акциялаштириш, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар билан ишлаш тартиби бўйича пухта билимга эга, малакали мутахассисларни ишга жалб этмоқ лозим.

Тошкент шаҳридаги таксофонлар тармоғининг иши юзасидан қатъий талаблар ўртага қўйилди. Таксофонлар тармоғи кескин равишда қисқариб кетган, мавжудлари эса ишга яроқсиз, янги тузилган «Тошкент таксофони» акционерлик жамияти эса, вазифаларни аниқ-равшан уддалай олмаяпти, муаммоларнинг ечимини топишга қийналяпти. Тошкент шаҳар телефон тармоғи раҳбарларига таксофонларни қайта тиклаш, гавжум жойларга ўрнатиш, уларнинг ҳимояси ва бенуқсон ишлашини таъминлаш хусусида кўрсатмалар берилди, токи мазкур хизматга эҳтиёжмандларнинг ҳуқуқлари ишончли равишда кафолатлансин.

Тошкент шаҳар телефон тармоғининг иши жиддий тарзда яхшиланишга муҳтож. Ҳозирда мазкур тармоқнинг иши бўйича шикоятлар кўп, тармоқни реконструкция қилиш бўйича кўрилган чоралар кутилган натижаларни бермади, айрим йўналишларда қўнғироқ қилиш мушкуллашган, телефонда гаплашиш сифати яхши эмас.

Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг ишида ҳал қилинмаган масалалар йиғилиб қолган, жумладан, мазкур комиссиянинг Давлат алоқа назорати ва бошқа корхоналар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш хусусидаги таклифларини кўриб чиқиш керак бўлади.

Йиғилиш талабчанлик, ишчанлик, ишнинг бозор иқтисодиётига мувофиқ янги шакл ва услубларини раҳбарлар томонидан пухта ўзлаштирилишига ғамхўрлик ва хайрихоҳлик руҳида ўтди.

***А. КУДИНОВ***



***Олим ака БОЙМАТОВ бир неча йилдан буён Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида бош диспетчер бўлиб ишлайди. У ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, ишнинг намунали боришини назорат қилиб боради.***

***Суратда: Бош диспетчер Олим ака БОЙМАТОВ диспетчер Райҳон АМОНЖОНОВАга навбатдаги вазифалар тўғрисида кўрсатма бермоқда.***

***Б. ТОШМАТОВ олган сурат***

**• Республикамиз Президенти Ислом Каримов Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун ўтказилаётган тўртинчи халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросимида нутқ сўзлади.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### •Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар

• Мамлакатимиз Президенти номига республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан бир қатор хорижий давлат раҳбарларидан табрик шошилинчномалари келди.

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон Парламенти делегацияси Парламентлараро Иттифоқнинг 98-конференциясида иштирок этиш учун Қоҳирага жўнаб кетди.**

• Тошкентда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида «Оммавий ахборот воситалари демократия шароитида: журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуида семинар бошланди.

**• Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Афғонистонда бир-бирига қарши турган кучларни Бишкекда тинчлик музокараларини ўтказишга таклиф этди. Бу таклиф Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳам юборилди.**

• Молдова Президенти Петру Лучинскининг Францияга расмий ташрифи давомида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

**• Собиқ иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг орадан ўтган олти йил ичида Россияда туғилиш кескин камайиб кетди. Авваллари қишлоқ жойлар аҳолисининг ўсиши шаҳарникига қараганда икки баробардан ортиқ эди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, кейинги йилларда туғилиш қишлоқда ҳам, шаҳар жойларда ҳам муттасил камаймоқда. Мутахассислар туғилиш сонининг кескин камайиши 1989 йилдан бери изчил давом этиб келаётганини қайд этишмоқда.**

• Хитой Эрон ва Ироққа қурол-яроғ етказиб бераётганлиги тўғрисида айрим оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган хабарларни қатъиян рад этди. Пекин БМТнинг бу мамлакатларга қурол-яроғлар сотиш тўғрисидаги барча қарорларига қатъий риоя қилаётганлигини билдирди.

**• 2004 йилги Ёзги Олимпия ўйинлари Греция пойтахти — Афинада ўтказиладиган бўлди. Бу Ёзги Олимпия ўйинларининг мезбони бўлишга Рим, Стокгольм, Буэнос-Айрес ва Кейптаун шаҳарлари ҳам талабгор эдилар.**


## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

***Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Маҳаллий телеком» ва «Халқаро телеком» Акциядорлик компаниялари раҳбар лавозимларнинг вакант ўринларига танлов эълон қилади.***

### ТАНЛОВ ТАЛАБЛАРИ:

*Танловда ёши 40 дан ошмаган, маълумоти — олий, техника (алоқа, иқтисод) соҳасида камида 6 йиллик умумий иш стажига эга, шунингдек, раҳбарлик лавозимида камида 2 йил ишлаган ходимлар иштирок этишлари мумкин.*

*Ҳужжат ва аризалар 1997 йил 5 октябргача Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлимига — қуйидаги манзилга юборилсин:*

*700000, Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй, тел. 34-69-51, факс 139-82-89.*


## ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Жиззах шаҳрида «Ўздунробита» қўшма корхонасининг уяли телефон тармоғи ишга туширилди. 500 рақамга мўлжалланган мазкур станция ўз имкониятларининг кенглиги билан мижозларга маъқул бўлаётир.

Янги алоқа тармоғининг очилиш маросимида «Маҳаллий телеком» Акциядорлик компанияси Бош директори Т. Раҳимов иштирок этди.

# УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНЛАР

Янгиқўрғон туман электралоқа боғламаси жамоаси тумандаги 6473 абонентга телефон, 14800 хонадонга радио хизмати кўрсатади.



Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, мазкур корхонада иш унуми ёмон эмас. Корхонада 5 йилдан ортиқ ишлаётганлар маошига қўшимча 40 фоизгача ҳақ тўланади. Ижтимоий ҳимояга эътиборни кучайтириб, ишчи-хизматчиларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 50 фоиз арзон нархда бериш йўлга қўйилди.

— Қаерда манфаатдорлик, интизом бўлса, ўша ерда иш унумдорлиги ҳам яхши бўлади, — дейди корхона раҳбари Зокиржон Юсуфалиев. — Бизда интизомга бўйсунмаган, сифатсиз ишлаб кунлик режани бажармаётганлар корхона Низомига кўра жазоланади. Уз ўрнида яхши ишлаганлар рағбатлантириб бориляпти. Ички имкониятдан келиб чиқиб, тушлик ҳақи бериш ҳам йўлга қўйилган. Бунга ҳар ойда 86 минг сўм харажат қилинмоқда. Камчиликдан холимиз дея олмаймиз, телефон тушириш учун берилган аризаларнинг айримларини баъзи сабабларга кўра, қондиролмаяпмиз. Линиялар ҳамда алоқа жиҳозларимиз эскирган...

Чиндан ҳам корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланмоқда. Пул тушуми ҳам кўпаймоқда. Вилоятда биринчи бўлиб телефон мижозлари ўртасида лотерея ўйини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан мазкур корхона олдиндан бир йиллик телефон ҳақини тўлаб қўйган ва қарзсиз телефон мижозлари ўртасида лотерея ўйинини ўтказди. Натижа ёмон бўлмади.

«Қариси бор уйнинг париси бор» деганларидек, бу жамоада Мирвали Абдуллаев, Раҳматилла Турсуналиев, Фазлиддин Насриддинов, Абдубанно Мадраҳимов каби 40 йиллик тажрибага эга алоқачиларнинг борлиги корхонанинг фахридир. Уларнинг издошлари саналган Рустамжон Олимов ҳамда Раҳима Жўрабоевалар ўз касбининг моҳир усталаридан ҳисобланади.

Сиз кўриб турган суратларда 12 йилдан бери муҳандислик қилаётган Рустамжон Олимов (чапда) шаҳарлараро сўзлашув ускуналарининг



бенуқсон ишлаши учун хизмат қилса, телефончи Раҳима Жўрабоева 25 йилдирки, одамлар узоғини яқин қилишга ҳисса қўшиб келмоқда.

*Шаҳзода АКБАРОВА,*
*Наманган вилояти*

**Ҳозирги даврда аксарият ёшларнинг ижтимоий-гуманитар фанларни эгаллашга кўпроқ интилаётганлиги, техника фанларига эса қизиқишлари сусаяётганлиги сезилмоқда. Тошкент электротехника Алоқа институти алоқа соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича республикамизда, қолаверса, Марказий Осиёда ягонадир. Шунга қарамай институтга ҳужжат топширган абитуриентларнинг сони кишини қониқтирмайди.**

мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, Андижондаги электромеханика техникумида алоқачи мутахассислар тайёрлайдиган бўлим очилса, кадрлар тайёрлаш масаласи бирмунча енгиллашар эди.

Маълумки, республикамизнинг алоқа тизимини янада такомиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Хорижнинг замонавий алоқа станциялари, техникалари, жиҳозлари келтирилиб, ўрнатилмоқда. Бу ўз навбатида етук алоқачи мутахассис кадрларга бўлган эҳ-

*• Муаммо • Мулоҳаза*

# БИЗГА ЕТУК МУТАХАССИСЛАР КЕРАК

Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида андижонлик ёшларнинг алоқачилик касбига қизиқишларини кучайтириш мақсадида мактаб, лицей, гимназияларда ўқувчилар билан алоқачи ходимларнинг учрашувлари, жонли мулоқотлари ўтказилмоқда. Корхонада тайёрлов курслари очилиб, йигит-қизларни биринчи босқич синовидан ўтказиш, имтиҳонларга тайёрлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг натижасида кейинги икки йилда Тошкент электротехника Алоқа институтига 26 нафар ўқувчи (шундан 11 нафари шартнома асосида) қабул қилинди. Бундан ташқари, Тошкент Алоқа коллежига 1996 йили 4 нафар, бу йил эса, 16 нафар ўқувчи ўқишга кирди.

1997-98 ўқув йилида институт ҳамда коллежга ўқишга кирган ёшлар сонини янада кўпайтириш мумкин эди. Бунинг учун кириш (тест) имтиҳонлари фақатгина Тошкентда эмас, бошқа вилоятларда, жумладан, Андижонда ҳам ташкил этилса тиёжни янада орттирмоқда. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳбарияти алоқа институти ва коллежга ўқишга кириш имтиҳонларини барча вилоятларда ўтказиш чорасини кўришлари керак деб ўйлайман. Шундай қилинса, вилоятлардаги корхоналар ҳам етук мутахассислар билан етарлича таъминланар эди. Алоқа бўйича тайёрлов курслари очиш, ёшларни мунтазам ўқитишга вилоятдаги корхоналарнинг молиявий имконияти кўтаравермайди.

Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, корхонанинг истиқболини белгилаш, аҳолига намунали алоқа хизматини кўрсатиш, ҳар томонлама камол топган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида хайрли ишларни олиб бормоқда. Бу эса келгусида ўз самарасини беришига шак-шубҳа йўқ.

*Раҳмонжон УЗОҚОВ,*
*жамоатчи мухбиримиз,*
*Андижон вилояти*

*• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# ЎЗИМИЗНИНГ МИРСАИД

Бир касбда 20 йил узлуксиз меҳнат қилиш осон эмас. Мирсаид Мустафоевнинг алоқа соҳасида ишлаётганига шунча вақт бўлди. Мен Мирсаидни 1978 йилдан бери яхши биламан. У Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Хўжам Низомов номли жамоа хўжалигидаги 7-ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатгач, ўзи ҳавас қўйган касбни эгаллаш учун Самарқанд шаҳридаги алоқачи ходимлар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Ўқишни тугатгач, «Ҳақиқат» жамоа хўжалигидаги Журият алоқа бўлимида почтачи, бошлиқ вазифаларида ишлади. Кейинги йилларда Қангли, Саричашма алоқа бўлимларига етакчилик қилди. Иш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда устозлари Жаҳон Қаюмов, Жалил Юсуповларнинг кўмагига таянди. Кекса алоқачилар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди.

Ўзимизнинг Мирсаид хушхабарчини кўча-кўйда кўрган ҳамқишлоқлари «Ҳа, Мирсаид, дунёда нима гаплар бор? Нафақалар келиб турибдими? Фарзандларинг униб-ўсаётирми?» дея эъзозлашади. Мирсаид Мустафоев бошқараётган Журият алоқа бўлимининг уч нафар почтачиси — Ширинбой Бозорбоев, Ўткир Қаршиев ва Дадажон Абдусаматовлар нафақачилар, кўп болали онахонлар ҳамда 15 дан ортиқ корхона ва ташкилотларга елиб-югуриб хизмат қилишмоқда. «Ҳақиқат» жамоа хўжалигининг Химичи, Қозон, Туркмановул, Нўш, Журият, Наймантепа, Йўғонтепа каби қишлоқларидаги одамлар беминнат дастёрлар хизматидан хурсанд.

Алоқа бўлими бошлиғи Мирсаид Мустафоевнинг кўп йиллик хизмати бир неча бор тақдирланган. Биз — меҳнат фахрийлари жонкуяр алоқачи Мирсаидга ва Журият алоқа бўлими почтачиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бир гуруҳ меҳнат фахрийлари номидан

*Гадой МЕЛИЕВ,*
*Самарқанд вилояти*

# КЎРИК—ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

***Фарғона вилоят давлат почта алоқа корхонасида «Ўз касбининг устаси» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда вилоят почта алоқа боғламаларининг почтачилари ва операторлари ўзаро беллашдилар.***

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад почтачи ва операторларнинг маҳоратлари ва тажрибаларини ошириш ҳамда ўз касбининг устасини аниқлаш эди.

Танловда 1-ўринларни Марғилон шаҳар почта алоқа боғламаси почтачиси Рустам Абдураҳмонов, Данғара тумани почта алоқа боғламаси почтачиси Раҳмонали Пўлатов ҳамда Фарғона шаҳар Бош почтамт оператори Шоҳсанам Жўраевалар эгаллаб, «Ўз касбининг устаси» номини олдилар. Иккита иккинчи ўрин Қўқон шаҳар почта алоқа боғламаси почтачиси Мухтор Латиповга ва Боғдод почта алоқа боғламаси оператори Румила Мустакаеваларга насиб этди. 3-ўринларни Лангар почта алоқа боғламаси почтачиси Муҳаммаджон Мирзаев ва Марғилон шаҳар почта алоқа боғламаси оператори Муҳаббат Ҳайдаровалар эгалладилар. Рағбатлантирувчи мукофотга Фарғона шаҳар Бош почтамт почтачиси Валентина Попова ва оператор Зиёда Раҳмонова лойиқ топилди. Кўрик-танлов ғолибларига корхонанинг пул мукофотлари ва қимматбаҳо эсдалик буюмлари топширилди.

Танлов мароқли ўтди. Айниқса айрим камчиликлар, яъни танлов иштирокчиларининг касб маҳоратини эгаллаш йўлида ҳали кўп тер тўкишлари, нутқ маданиятини оширишлари лозимлиги ҳам аён бўлиб қолди. Менимча, шундай кўрик-танловлар тез-тез ўтказилиб турилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

*Фарида УМАРОВА,*
*жамоатчи мухбиримиз,*
*Фарғона вилояти*

# Алоқа матбуот кўзгусида

Польшада чиқадиган «Хобби» журнали саҳифаларида дунёга машҳур коллекционерлар ва уларнинг ўнлаб йиллар давомида эринмай йиққан турли-туман буюмлари, почта маркалари ҳақида антиқа маълумотларга дуч келасиз.

Журналда коллекция, жумладан маркалар йиғишнинг ўттизга яқин тури бўйича маслаҳатлар бериб борилади.

* * *

Японияда нашр этилаётган «Асахи» газетаси фототелеграф орқали чоп этилган жаҳондаги биринчи газетадир.

* * *

Жаҳонда энг биринчи телеграф агентлиги 1835 йилда франциялик Шарль Гавас томонидан ташкил этилган. Ўша вақтда хат ташувчи бир қанча каптарлар ҳам бу агентлик хизматида бўлган. Ҳозирги Франс Пресс агентлиги Гавас бошлаб берган ишнинг давомчиси ҳисобланади.

* * *

Ҳозирги кунда жаҳонда 160 дан ортиқ телеграф ва ахборот агентликлари ишлаб турибди. Булардан Ассошиэйтед Пресс (АҚШ), Ажанс Франс Пресс (Франция) энг асосийлари ҳисобланади.

*А. АЛИЕВ тайёрлади*

Давлат алоқа назорат жамоаси корхона ходими Б. Рўзметовга онаси

**Тожигул АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

* * *

Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бирлашмасининг Тошкент радиомаркази жамоаси техник бўлим бошлиғи Абдуқаҳҳор Расуловга акаси

**Абдухалил РАСУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абу Лайс ас-САМАРҚАНДИЙ

# ИЛМ ОЛМОҚ ФАЗИЛАТИ

Фақиҳ Абу Толиб, Аллоҳ таоло андин рози бўлсун, икки шогирдга кўп меҳр қўйганди. Иккиси барча толиби илмлар орасида тиришқоқлиги, сабр-қаноати билан ажралиб турарди. Бир кун ёши каттароқ шогирд устозининг ҳузурига кириб:

— Устоз, менга рози-ризолик тилаб, фотиҳа берсангиз, — деди.

— Не боис, ўғлим? — сўради Абу Толиб.

— Отам савдогарлар билан узоқ юртга олган билимларимни синамоқ истагида сафарга отланмоғимни буюрдилар.

— Маъқул. Олган билимларингиздан кўнглингиз тўқму?

— Ҳа, илми адабни мукаммал ўргандим. Ҳаётда бундан ортиғига не ҳожат!

— Юрак хоҳиши амри вожиб. Яна бироз қолиб, илми нужум, илми алжабрни ўрганмоққа тоқатингиз борму?

— Зарурат сезмасман.

Шундай қилиб, шогирд жанубий юртлардан бирига савдо карвони ила йўлга чиқибди. Етти кунлик йўлдан сўнг, чўл охирламай туриб, қуюн кўтарилибди. Еру кўкни қум тўзони тутибди. Толиби илм бошига салласини ўраб, жон сақлаш иштиёқида отдан ерга қулабди. Бир қанча фурсат ўтиб, тўзон тўхтабди. Йигит устини қоплаган қум бархани остидан чиққанида ҳар ер — ҳар ерда тевалар, шаҳид бўлганларнинг гавдасидан бўлак ҳеч нарсани кўрмабди. Шу пайтда ёрдам сўраган мунгли овоз эшитилибди. Йигит овоз келган қум бархани томон шошилибди ва кафтлари билан қумни тўрт тарафга сурибди. Омон қолган мулозимини бархан остидан тортиб олибди. Нафасларини ростлаб олганларидан сўнг, мулозим хожасига қарабди:

— Не қилурмиз?

Йигит елка қисибди.

— Адашган сарбон одатда қуёшга, ойга, юлдузларга қараб мағриб, машриқни белгилаган, — дебди мулозим. — Тақсир, сиз неча йил фақиҳ Абу Толибнинг таълимини олдингиз. Наҳот, кавкабларга қараб йўл топа олмасангиз?

Йигит изза бўлибди.

Мулозим омон қолган тева ва отларни бир тизгинга боғлаб, кун тарафга йўл солибди. Йигит унга эргашибди.

Улар номаълум бир юртга бориб қолибдилар. Юрт аҳли йигитни савдогар деб ўйлабди ва харид шартларини сўрабдилар. Йигит савдо-сотиққа нўноқлигини тан олгиси келмабди. Арзонгаровга молларини сотибди. Бор-будини тиллага алмаштириб, карвонсаройнинг бир хонасига қўнибдилар. Овқат вақтида мулозим:

— Менимча молларни арзонгаровга, яна тиллага алмаштирдингиз. Наҳот Абу Толиб алжабр асрорларини сизга ўргатмаган? — деб сўрабди...

Йигит устозининг сўзларини эслаб, баттар изза бўлибди. Шу тун уларнинг ҳамёнини ўғри олиб қочибди.

Оқибат у мулозимини ҳам сотиб, бир кунини кўрибди. Тирикчиликка ҳамён чидарми? Охир гадоликка рўбарў бўлибди.

Йиллар ўтибди. Бир кун йигит шаҳарга келган карвон орасида таниш чеҳрани кўриб, унинг ёнига борибди.

— Мени танимадингизми, ҳамюрт?

Усти-боши жулдур, қаримсиқ бўлиб қолган кимсага боқиб, меҳмон ажабланибди.

— Йўқ, танимадим. Кимсан?

— Эй биродар, наҳот Абу Толиб ҳазратлари паноҳида бирга таълим олган онларимизни унутдинг?

Меҳмон гадонинг кўзларига боқиб, уни танибди:

— Оға, нечун бу кунга тушдинг?..

— Аввал қорнимни тўйғаз.

Тамадди қилиб олгандан сўнг йигит бошига тушган фалокатдан огоҳ қилибди, сўнг:

— Қаерга кетяпсан? — деб сўрабди.

— Шаҳри мунавварага, илм олмоқликни давом эттирурман. Устознинг истаклари шу.

— Ахир, соқол-мўйлабингга оқ оралабди-ку, илм олмоқликни канда қилмассан?..

— Илм ёш танламас, илм олишнинг кечи йўқ деганлар...

Шундай эй ўғил, билим мисоли бир чашмадур. Бу чашмадан сўнгги дақиқагача ичмоқ керак.

# ИШҚ ЎТИДА ЎРТАНИБ ГОҲ...

*Ой мисол боқдим тўлиб*
*Туйғани кўз сеҳрини,*
*Кўз ҳусн кўрки эканким*
*Банд этар дил меҳрини.*
*Бўйи-бастига боқиб мен*
*Термулиб бошдин оёқ,*
*Ҳеч кўнгил изҳор этолмай*
*Босмадим қалб муҳрини.*
*Ишқ ўтида ўртаниб гоҳ*
*Куймагандим бунчалик,*
*Лаъли лабдан бўса олиб*
*Тўймагандим бунчалик.*
*Билмадим, лол айладиким*
*Бу ситамкор кўзларинг,*
*Боқишинг чўғ ташладиким*
*Ёнмагандим бунчалик.*

Қурбон ЖЎРА,
Тошкент

# ТУШ

## (ЧОРИ АВАЗНИ ЭСЛАБ)

*Замин оппоқ. Оппоқ одамлар,*
*Ҳамма оқлик сари югурар.*
*Менинг эса кўзларимда нам...*
*Вужудимни алам кемирар.*

*Замин оппоқ. Оппоқдир гуллар,*
*Фариштлар кўкка интилар.*
*Учрашгандек соғинган диллар,*
*Шоирларин бир-бир келтирар.*

*Замин оппоқ. Оппоқдир кўнгил.*
*Поклик учун кўтаришар жом.*
*Мингта элат—бир ака-сингил,*
*Шеър ўқийди, қўлларида шам.*

*Замин оппоқ. Оппоқдир тушлар,*
*Тушларимни бузма, дил зори.*
*Алдаб кетган каби Оққушлар,*
*Ташлаб кетди бизларни Чори.*

*Замин оппоқ.Оппоқдир кўнгил.*

Иброҳим БАРОТ,
Яккабоғ

• Шифо

# ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

Муолажа мақсадида овқатдан тийилиш, яъни, шифобахш очлик асрлар давомида синовдан ўтган анъанавий усулдир. Афсуски, одамлар бу муҳим масалага лоқайд қарайдилар. Айни чоғда замонавий тиббиёт илми ҳам бу масалага анча юзаки ёндошади. Кундалик турмушда эса ўзини «очлик билан қийнаётган» кишига худди тентак одамга қарагандай қаралади. Ваҳоланки шифобахш очликнинг машҳур тарғиботчилари — П.Брэгг, М.Гарттен, Н.Уокер, Ю.С.Николаев, Г.А.Войтовичлар кўп йиллик тадқиқот-тажрибалар асосида бу усулнинг одамзод вужудидаги ҳар хил заҳарлардан, демакки касалликлардан фориғ этишдаги аҳамияти беқиёс эканлигини аллақачон исботлаганлар.

Маълум бўлишича, «ёқилғи» — овқат истеъмол қилиш тўхтатилиши ҳамон инсон вужуди ўз заҳирасидаги имкониятлар ҳисобига ишлай бошлар экан. Бу вужуд шундай буюк қудратга эгаки, янгича шароитда энди у вужуднинг мўътадил ишлашига халақит берувчи ўша заҳарли қолдиқларни «ёқилғи» сифатида ишлата бошлайди. Буни тушунмаганлар эса ҳали-ҳамон «Овқат емасам... ўлиб қоламан-ку» қабилида юзаки фикрламоқдалар.

• Бухоронинг 2500 йиллигига



Бухоро. Чашмаи Аюб. Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0625. 9585 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

